



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХИТОЙ — ҚИРГИЗИСТОН — ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛИ ҚУРИЛИШИ БОШЛАНИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМ ИШТИРОКЧИЛАРИГА МУРОЖААТИ

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Авалло, сиз, азизларни Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон янги магистрал темир йўли қурилиши бошланиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бундан ярам йил олдин мазкур стратегик трансминтақавий лойиҳани амалга ошириш бўйича биринчи тўлақонли битим имзоланган эди. Ўтган қисқа даврда техник ҳужжатларни тайёрлаш ишлари якунланди. Бугун эса биз бевосита қурилиш ишларига старт бермоқдамиз.

Бу дўст мамлакатларимиз салкам 30 йил давомида интилиб келган том маънодаги тарихий воқеадир.

Сизларнинг иштирокингизда халқаро аҳамиятга эга бўлган янги транспорт артерияси яратилмоқда. У Марказий Осиё минтақасини Хитой билан қисқа ер усти йўли орқали боғлайди, давлатларимизнинг кўп қиррали ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва стратегик шериклигини мустақамлашга хизмат қилади.

Яна бир муҳим жиҳат — ушбу лойиҳа ҳамкорликда барқарор ривожланиш ва фаровонлик йўлида кўлаб мамлакатларни бирлаштириб келаётган “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасидаги эзгу мақсадларга тўлиқ мос келади.

Шу муносабат билан хурматли ҳамкасбларим — Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Нургоевнинг Жапаров жанобларига лойиҳани илгари суриш борасидаги

шахсий ҳиссалари ва фаол саъй-ҳаракатлари учун яна бир бор миннатдорлик изҳор этаман.

Хурматли маросим иштирокчилари!

Янги темир йўли қурилиши мамлакатларимиз иқтисодиёти ва бепойён минтақамиз учун катта самара беришини алоҳида қайд этишни истардим.

Инфратузилма соҳасидаги ушбу йирик лойиҳа илғор муҳандислик, инновация ва рақамли ечимлар асосидаги кенг кооперацияни, юқори экологик стандартларга амал қилишни назарда тутди.

Кошғар — Торугарт — Макмал — Жалолобод — Андижон йўналиши бўйича 20 та станция, 42 та кўприк, 25 та тоннель барпо этилади. Бундан ташқари, замонавий транзит-логистика инфратузилмаси, омборхона ва терминаторлар қурилади.

Ҳисоб-китобларга кўра, ушбу магистрал йўлининг ишга туширилиши минтақавий савдо ва инвестициялар ҳажмини бир неча баробар кўпайтириш, транспорт харажатларини сезиларли даражада қисқартириш, Марказий Осиёнинг улкан транзит салоҳиятини юзага чиқаришга хизмат қилади.

Кўйидаги муҳим рақамларга ҳам эътиборингизни қаратмоқчиман.

Ушбу йўл орқали йилга 15 миллион тонна юк ташилади. Хитойдан Европа мамлакатларига юкларни етказиб бериш масофаси ва муддати бир неча минг километр ва деярли бир ҳафтага қисқаради. Йўловчиларни мунтазам ташиниши йўлга қўйиш имконияти пайдо бўлади.

Келгусида ушбу темир йўл линияси Трансафрон йўлаги билан туташиб, Хитой, Марказий Осиё ва Жанубий Осиё ўртасидаги транспорт-коммуникация тармоқларини самарали бирлаштириш ва кучайтиришга имкон яратади. Бундан, ҳеч шубҳасиз, барча мамлакатлар иқтисодий фойда кўради. Юзлаб янги корхоналар ва ўн минглаб иш ўринлари яратилади.

Албатта, мазкур лойиҳа Буюк ипак йўлининг қайта тикланишига, маданий-гуманитар алмашувлар ривожига, халқларимизнинг янада яқинлашувиغا хизмат қилади.

Қадри дўстлар!

Ўзбекистон мавжуд техник ва интеллектуал ресурсларни тўлиқ ишга солган ҳолда, бугун бошланаётган қурилишнинг барча босқичларида фаол иштирок этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ишончим комил, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли ушбу темир йўл тармоғи бизнинг мустақам дўстлигимиз, шериклик ва тараққиётимизнинг яна бир ёрқин тимсолига айланади.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу стратегик лойиҳани амалга оширишда иштирок этаётган барча қурувчи ва муҳандисларни, ишчи ва мутахассисларни кириб келаётган Янги — 2025 йил билан чин дилдан табриқлайман. Сизларга сиҳат-саломатлик, катта ютуқ ва омадлар тилайман.

Бугун сизларнинг бунёдкор саъй-ҳаракатларингиз билан бошланаётган улкан лойиҳа мамлакатларимиз ва минтақамизнинг умумий келажаги ва равнақи учун хизмат қилсин!

Эътиборингиз учун раҳмат.

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ВА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 27 декабрь куни сунъий интеллект технологияларини ҳамда телекоммуникацияларни ривожлантириш бўйича режалар тақдими билан танишди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида мамлакатимизни минтақавий IT-хабга айлантириш вазифаси белгиланган. Шу мақсад йўлида рақамли технологиялар босқичма-босқич ривожлантириб келинмоқда. Барча ҳудудларда IT-парклар ташкил этилиб, бу соҳада ўқиш ва ишлаш учун имконият кенгайтирилади. Интернет тезлиги ва қамрови ошди. 190 мингдан зиёд аҳоли ишли бўлди.

Сўнгги йилларда соҳада 3 миллиард доллар инвестиция ўзлаштирилган. Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 2017 йилга нисбатан 8,5 баробар ўсиб, уларнинг сони мингтадан ошган. Бугун соҳа вакилларининг ҳар ўнтадан биттаси шундай халқаро корхона. Шунингдек, етти йил аввал 12 та экспортчи корхона бўлган бўлса, бу йил 650 та бўлди. Йил якуни билан ахборот технологиялари ва алоқа хизматлари экспорти 900 миллион доллардан ошди.

Ҳаётнинг турли жабҳаларида сунъий интеллектни қўллаш кенгаймоқда. Шундай технология асосида 20 дан ортқ лойиҳа ишга тушди. Тармоқ ва йирик корхоналар бўйича яна 70 та лойиҳа ишлаб чиқилди. Сунъий интеллектга тайёрлик халқаро индексиде Ўзбекистон 17 поғонага кўтарилди.

Бу йўналишга эътиборингиз давоми сифатида Ўзбекистон Президентининг шу йил 14 октябрдаги қарори билан Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси қабул қилинди. Унда сунъий интеллектга асосланган дастурий маҳсулотлар ва хизматлар улушини кўпайтириш, техник инфратузилмани

кенгайтириш, кадрлар салоҳиятини ошириш каби қатор чора-тадбирлар белгиланган. Тақдимода рақамли технологиялар вазири келгуси йилга мўлжалланган режалар ҳақида ахборот берди.

Жумладан, Бухоро, Фарғона ва Тошкент вилоятларида “булутли” маълумотлар маркази ишга туширилади. Стартларга шариот яратиш учун Тошкент ахборот технологиялари ва Инфа университетларида сунъий интеллект бўйича лабораториялар очилади. Давлат идораларининг 3 минг нафар ходими, ҳокимлар ва ўринбосарларнинг бу борадаги малакаси оширилади.

Мутасаддиларга сунъий интеллект асосида ишлайдиган лойиҳалар сони 100 тага, дастурий маҳсулотлар ва хизматлар ҳажмини 50 миллион долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Тармоқ корхоналарида бошланган трансформация ижобий натижа берапти. Шу йилнинг ўзида телекоммуникация хизматлари ҳажми 16 фоизга ошди, 21 триллион сўмга етган. “Ўзбектелеком” компанияси даромади 9 триллион сўмдан ошган.

Энди келгуси йил бошқарувни тўлиқ рақамлаштириб, харажатларни иқтисод қилиш, экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиб, халқаро рейтинг олиш зарурлиги таъкидланди.

“Ўзбекистон почтаси” тизимида ҳам ўзгариш бор. Бу йил тушумлар 1,4 баробар, экспорт 20 фоиз ошган. Янги турдаги хизматлар жорий қилингани натижада жўнатмалар сони 50 фоиз кўпайган.

Режага кўра, келаси йил 1 минг 600 та почта бўлимида электрон тижорат маҳсулотларини топшириш йўлга қўйилади. Рақамли саралаш маркази очилиб, бундай товарлар ва почта жўнатмаларига ишлов бериш сифати яхшиланади. Бу мақсадлар учун Европа тикланиш ва тараққиёт банкидан маблағ жалб қилинади.

Соҳа учун муҳим асос — “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Энди унга таяниб, барча тармоқ ва ҳудудлар кесимида рақамлаштириш бўйича икки йиллик дастур ишлаб чиқиши белгиланди.

Жумладан, келгуси йилда 6 мингта янги таянч станция қурилади. 30 минг километр оптик толали кабел тортилиб, қамрови 98 фоиз бўлади. Соҳа экспортини 1,2 миллиард долларга етказиш чоралари кўрилади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилаётган Рақамли технологиялар халқаро маркази ҳақидаги қонун ишлаб чиқиши соҳа ривожини учун яна бир катта янгилек бўлади. “Enterprise Uzbekistan” тамойиллари, капиталнинг эркин ҳаракати, халқаро стандартдаги меҳнат муносабатлари, хорижий банк филиаллари йўлга қўйилмоқда.

Тақдимода сунъий интеллектга доир қонуний асосларни яратиш, рақамли технологиялар соҳасида таълимни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ўзбекистоннинг меҳрли сиёсати

ИНСОНПАРВАРЛИК МЕҲВАРИНИ ТУТИБ ТУРГАН ЮРТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан уруш ҳудудларида азият чеккан 100 нафар фаластинлик болалар ва аёллар юртимизга олиб келинди. Шу орқали Ўзбекистон яна бир бор меҳрли сиёсатини намойён этди.

Бугун, афсуски, тинчликсеварлик глобал геосиёсий жараёнларда нисбий тушунчага айланиб бормоқда. Чунки халқаро майдонда ишонч инқирози авж олди. Ҳозир буни таҳлил қилиб, айбдорларни ахтариб вақтингизни олиш ниятимиз йўқ. Аммо бир ҳақиқатни айтиш керак, маълум бир тоифа ўз манфаати учун

инсон умрига зомин бўлишдан ҳам тап тортмаяпти. Аянчлиси, улар буни кўриб, билиб туриб амалга оширмоқда. Ахир XXI асрда урушни онлайн тарзда томоша қилиш, бегуноҳ одамларнинг забун ҳолини бевосита кузатиш мумкин.

Давоми 2-бетда



МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАИ

хонадонларни ёритиб, харажатларни камайтирмоқда

2024 йил: ИСЛОҲОТЛАР САРҲИСОБИ

ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ

халқимиз ҳаёт сифати ва фаровонлигини таъминлаш сари ташланган муҳим қадам

Жаҳон иқтисодий ҳаётда кечаётган мураккаб жараёнлар, глобал бозор динамикаси, пандемия оқибатлари, геосиёсий зиддиятлар ва логистика занжирларидаги узилшлар каби омиллар миллий иқтисодий сиёсатни аниқ мақсадга йўналтириш, сармоя жалб қилиш механизмларини тубдан ислоҳ қилишни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда охириги йилларда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлар алоҳида эътиборга лойиқ.



Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча соҳаларида эркинликларни кенгайтириш, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хусусий секторга имкониятлар ва хорижий сармоядорлар учун қўлай шарт-шароитлар яратиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Ислам тараққиёт банки ва бошқа нуфузли молия институтлари билан ҳамкорлик, шунингдек, ривожланган давлатлар инвесторларини жалб қилиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Яқинда Президентимиз ўтказган йиғилишда ҳам айнан шу масалалар — хорижий инвестициялар оқими, келгуси йилга мўлжалланган режалар, ҳудудий инвестициявий фаоллик, лойиҳаларни сифатли

амалга ошириш борасидаги муаммолар танқидий таҳлил этилди.

Жорий йилнинг ўтган 10 ойи даврида иқтисодиётимизга 26 миллиард доллардан ортқ хорижий инвестиция жалб этилгани ўзига хос натижа бўлди. Хусусан, шундан қарийб 24 миллиард доллари тўғридан тўғри хорижий инвестиция экани нафақат миқдор, балки сифат жиҳатидан ҳам муҳим кўрсаткичдир. Тўғридан тўғри хорижий инвестиция маҳаллий иқтисодиётга илғор технологиялар, замонавий бошқарув тажрибалари ва инновацион ёндашувларини олиб киради. Бу эса индустрияни модернизация қилиш, маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш ва экспорт ҳажмини кенгайтириш учун зарур шарт-шароит яратади.



Ўзбекистоннинг меҳри сиёсати

ИНСОНПАРВАРЛИК МЕҲВАРИНИ ТУТИБ ТУРГАН ЮРТ

Бошланиши 1-бетда

Афсуски, гўдакларнинг аянчи аҳоли, аёллар ва кексаларнинг оҳ-эзори ҳам қор қилмапти. Дунёда мутлақ тинчлик ўрнатиб бўлмапти. Шундай чоғда наҳот меҳр дегани шунча қаҳат бўлса деб ўйлайсан киши. Аммо зум ўтмай умидбахш сўз ёдга тушади: "Дунёда биргина яхши одам бор экан, демак, Ер ўз ўқи атрофида айланавради".

Буни ҳозирги геосиёсий жараёнларга қиёс этсак, Ўзбекистон каби тинчликсевар юртлар, адолат ва эгулик тарғиботчилари бор экан, меҳр меҳвари сақланиб қолаверади.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 11 ноябрь кунини Фаластин муаммосига бағишланган навбатдан ташқари араб-ислом саммитида иштирок этган эди. Ўшанда тинчликка элтувчи бир нечта хайрли ташаббуслар илгари сурилди. Хусусан, Фаластин — Исроил муаммосини тинчлик ва дипломатия йўли билан ҳал этишга қаратилган барча амалий ҳаракатларни тўлиқ қўллаб-қувватлаб, урушда жабрланган бир гуруҳ фаластинлик болалар ва аёлларни Ўзбекистон шифохоналарида бегараз даволашга тайёр эканлигини таъкидлади.

Бугун ушбу ташаббус амалий тус олди. Урушдан жабр кўрганлар давлатимиз раҳбари тошпиригига кўра олиб келинди. Ўзбекистонга келган бемор болалар ва аёллар, уларга ҳамроҳлик қилувчилар давлат томонидан тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Бунинг учун улар барча шарт-шароитга эга соғломлаштириш шихаттоҳларига жойлаштирилди. Барча зарурий эҳтиёжлари қопланиб, энг сара мутахассислар томонидан нафақат соғлиги, балки уларнинг ҳаётга тўлақонли мослашувини таъминлашга ҳам катта эътибор берилмоқда.

— Уруш туфайли бир неча мартаба жойимизни ўзгарттирдик, кўчиб юрибмиз, — дейди фаластинлик аёл Ийман Айма Мухаммад. — Уруш туфайли оилалар пароканда бўлиб кетди, гўдаклар етим бўлиб қолмоқда. Бизнинг оиламиз ҳам ҳозир оғир аҳволда. Шундай вазиятда бизга бағрикенг ўзбек халқи елкадош бўлди. Ўзбекистон болаларимизнинг соғлигини тиклаш учун бега-



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

БУ СЎЗЛАРНИ ЭШИТАПМАНУ БЎҒИМ АЧИШДИ. БЕИХТИЁР КУНДАЛИК ҲАЁТИМИЗНИ БИРМА-БИР ТАХЛИЛ ЭТА БОШЛАДИМ. ТОНГДА КЎЗИМИЗНИ ОЧИШДАН АВВАЛ ТЕЛЕФОНГА ҚАРАЙМИЗ. ЯНГИЛИКЛАР БИЛАН ТАНИША БОШЛАЙМИЗ. УЛАР ОРАСИДА УРУШ МАЙДОНИДАГИ ҲОЛАТЛАР ҲАҚИДАГИ ДАРАКЛАР ҲАМ БЎЛАДИ. САЛБИЙ АХБОРОТЛАРДАН САҚЛАНИШ, КАЙФИЯТНИ БУЗМАСЛИК УЧУН УЛАРНИ ТЕЗГИНА ЎТКАЗИБ ЮБОРАМИЗ...

уруш бўлапти", дерди. Бу гапни эшитгач кулардик. Ахир биз мактабда табиатунослиқдан сабоқ олганмиз. Чанг қандай кўтарилиб, осмонни нега гўбор қоплашини яхши биланмиз-да! Момом эса мактаб кўрмаган, уруш фарзанди эди... Яқинларини Иккинчи жаҳон уруши сабаб йўқотган.

Ҳозир момонинг ўша гапларини эсласам, юрагим зирқирайди. Бўғим ачишиб, кўзга ёш келади. Негаки момом болалигида, уруш замонида осмонга қараб фақат гўборни, қайғуни кўрган. Шу боис, кўнни чанг қопладими, демак, яна уруш бўлапти деб ўйлаган ва бу қараш ёши саксондан ошганида ҳам ўзгармади. Энди билсам, уруш инсон ҳаётини, қарашларини шу даражада ўзгарттириб юборар экан. Унинг асорати инсон қалбига ўчмас оғриқли из қолдиради.

Инсон қалби осмонга ўхшайди. Унинг чегараси йўқ, бепоён ва ноаниқ. Қалбдаги

гўзаллик, софлик қуёшдай порласа, унинг нури тушган жойда эгулик барқ уради. Гўбор қоплаганида эса... йўқ, бундай тақдирни душманга ҳам раво кўриб бўлмайди. Аммо...

— Бомба портлаб, уйим қулади, — дейди юртимизга доволаш учун олиб келинган Маҳмуд Наим Рабаҳ Абуш. — Уч нафар фарзандим ҳалок бўлди. Ўзбекистон бизни қучоқ очиб кутиб олди. Ўзбекистон Президентидан жуда миннатдоримиз. Бизга мен кутгандан ҳам кўра анча яхши қарашаяпти. Мамлакатимиз раҳбарининг бизга кўрсатган ёрдамидан бошимиз осмонга етди.

Бу сўзларни эшитяпману бўғим ачишди. Беиҳтиёр кундалик ҳаётимизни бирма-бир тахлил эта бошладим. Тонгда кўзимизни очшидан аввал телефонга қараймиз. Янгиликлар билан таниша бошлаймиз. Улар орасида уруш майдонидоги ҳолатлар ҳақидаги дараклар ҳам бўлади. Салбий ахборотлардан сақланиш, кайфиятни бузмаслик учун уларни тезгина ўтказиб юборамиз...

Нуктаи назар

ГЛОБАЛ МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА



Дилором ФАЙЗИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Жумладан, 2024 йил 12-17 февраль кунлари Самарқанд шаҳрида Атроф-муҳит ва биохилма-хилликни сақлаш борасидаги муҳим халқаро тадбир — БМТнинг Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрвучи турларини сақлаб қолтиришга доир конвенцияси томонлар конференциясининг 14-йилгилиши бўлиб ўтди. Бундай нуфузли тадбир илк бор МДХ, хусусан, Марказий Осиё давлатлари орасида айнан Ўзбекистонда ўтказилгани тарихий аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам ушбу тадбир халқаро иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди, 130 дан ортқ давлатдан 1800 га яқин вакил қатнашди.

Конвенция котибияти ва БМТнинг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича дастури ушбу нуфузли анжумани Самарқандда ўтказиш ташаббусини қўлаб-қувватлагани кейинги йилларда мамлакатимизнинг қатор долзарб муаммолар бўйича мулоқотларнинг глобал марказига айланиб бораётгани далилидир. Давлатимиз раҳбарининг йилги иштирокчиларига йўлаган табригиде қайд этилганидек, мазкур форум Самарқанднинг экологик дипломатиянинг таъсирли марказларидан бири сифатидаги мақомини мустақамлашга хизмат қилди.

Июнда "Экологик таҳдидлар: Ўзгараётган дунёда инсон ҳуқуқларининг истиқбол ва барқарор ечимларни излаш" мавзусидаги тўртинчи анъанавий форум ҳам Самарқандда ўтказилди ва кўҳна шаҳарнинг "экологик дипломатия марказларидан бири"га айланаётгани тасдиғи бўлди.

Бундан 6 йил олдин — 2018 йил ноябрида "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон

декларацияси қабул қилинганнинг 70 йиллиги яқинлари: замонавий таҳдидлар ва реал воқелик" мавзусида биринчи, 2020 йил 12-13 август кунлари "Ешлар — 2020: глобал бирдамлик, барқарор ривожланиш ва инсон ҳуқуқлари" мавзусида иккинчи ва 2022 йил 5-6 декабрь кунлари "Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим" мавзусида учинчи инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми ўтказилган.

Биринчи форум жаҳон амалиётига ўзига хос "Самарқанд руҳи"ни олиб кирган бўлса, навбатдаги анжуман йиллик халқаро ташкилотлар ва экспертлар

кенгайтириш, замонавий иқтисодий масалаларда юзага келаётган долзарб муаммо ва янгиликларни муҳокама қилиш, илгор ғоя ва ёндашувларни ишлаб чиқиш учун самарали мулоқот майдонига айланди. Жорий йилги тадбирда 93 давлатдан 2500 дан ортқ вакил қатнашгани форумнинг аҳамияти тобора ортқ бораётганини аниқлади. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз иқтисодиётида ортқ қайтмас тус олган ислохотлар ҳамда ўзаро манфаатли инвести-

Самарқанд шаҳрида сентябрда бўлиб ўтган Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки бошқарувчилари кенгашининг тўққизинчи йиллик йилгилиши минтақамизда илк бор ўтказилгани Ўзбекистоннинг нуфузли халқаро молиявий институтлар билан ўзаро ҳурмат ва ишонч асосида йўлга қўйилган ҳамкорлигининг юксак намунаси бўлди.

иштирокида экологик таҳдидлар кучайган бир пайтда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи кун тартибига қўйилгани ва ўзига хос ечимлар ишлаб чиқилгани билан аҳамиятлидир.

Учинчи Тошкент халқаро инвестиция форумига тўхталсак, аввало, унинг йилдан йилга кенгайиб, яхши анъангага айланиб бораётганини алоҳида қайд этиш керак. Халқаро даражадаги иқтисодий алоқаларни ривожлантириш мақсадларига хизмат қилувчи мазкур форум барча қитъадан келган янгидан янги ишончли ҳамкорларни юртимизда жамлади.

Утган уч йилда форум икки ва кўп томонлама иқтисодий муносабатларни янада

қийинчи лойиҳаларни йўлга қўйишга улкан қизиқишдан далолат.

Геосиёсий ва иқтисодий муаммолар авж олаётган, барқарор ривожланиш йўлида хавф ва таҳдидлар кучайиб, дунё тартибидоги чуқур трансформация жараёни кечаётган, товар ва хизматларни етказиб бериш занжиридоги узиллишлар, халқаро савдо пасайиши, инвестиция оқими камайиши, иқлим ўзгариши офатлари вужудга келиши каби беқарор шароитда ўтказилган анжуманда барча муаммолари масалалар муҳокама қилинди.

Форум яқунлари бўйича 26,6 миллиард долларлик келишувлар имзоланди. Ваҳоланки, 2023 йилда ўтказилган форум



доирасида қиймати 11 миллиард долларлик, 2022 йилда эса 7,8 миллиард долларлик ҳужжатлар имзоланганди. Бу ҳам форум сифат ва самара жиҳатидан йилдан йилга такомиллашиб бораётганини тасдиқлайди.

Самарқанд шаҳрида сентябрда бўлиб ўтган Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки бошқарувчилари кенгашининг тўққизинчи йиллик йилгилиши минтақамизда илк бор ўтказилгани Ўзбекистоннинг нуфузли халқаро молиявий институтлар билан ўзаро ҳурмат ва ишонч асосида йўлга қўйилган ҳамкорлигининг юксак намунаси бўлди.

Анжуманда 100 дан ортқ мамлакатдан 2000 га яқин вакил қатнашиб, мамлакатимиздаги жадал ислохотлар, қўлай инвестиция ва тадбиркорлик муҳити билан яқиндан танишди. Ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг янги йўналишлари белгилаб олинди.

Шу йил августда юртимизда соҳанинг таъқиб экспертлари иштирокида "Кўп ўлчовли камбағаллик бўйича глобал мулоқот" мавзусида халқаро конференция ташкил этилди. Анжуман бугун дунёда давом этаётган турли можаролар, гуманитар, эпидемиологик ва иқлим инқирозининг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ҳамда камбағалликнинг барча кўринишига барҳам бериш жараёнида

вужудга келаётган жиддий таҳдидларнинг олдини олишга қаратилди.

Ушбу нуфузли тадбирга Ўзбекистоннинг мезбон сифатида танлангани мамлакатимизда камбағалликни қисқарттириш борасидаги кенг қўламли ислохотларга халқаро ҳамжамиятнинг яна бир эътирофи бўлди. Мазкур анжуманда кўплаб давлатдан келган нуфузли экспертлар мулоқоти, камбағалликни қисқарттириш бўйича Ўзбекистон тажрибаси айна йўналишидаги муаммолар масалалар ечимига хизмат қилиши шубҳасиз. Бинобарин, кейинги йилларда илгор хорижий ёндашувлар ҳамда мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, энг қўйи бўғин — маҳалла даражасига тушган ҳолда камбағалликка таъриб курашиш борасида муваффақиятли таъриб яратилгани соҳа экспертлари томонидан эътироф этилди.

Юртимизда эҳтиёжманд аҳолини қўлаб-қувватлаш бўйича кенг қамровли сиёсатни изчил давом эттириб, келгуси уч йилда камбағаллик даражасини 7 фоизгача пасайтириш мақсад қилинган. Ўзбекистон бу борада халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ўзаро таъриб

жабр кўрган бу инсонлар бошидан кечирган даҳшатли ҳодисаларни айтиб берар экан юз-кўздан биров ўзгариш сезилмайди. Аввалига бундан ажабландим. Сўнг бошимдан ўтган даҳшатли ҳодиса ёдимга тушиб, кўзимдан ёш тирқиради...

Ушанда баҳор адоқлаб қолган эди. Йигирма яшар укам оғир аҳволда шифохонада ётганди. Вазиятни отамдан сўрадим. Оғир бош чайқади. Умид йўқ... ўпкам тўлиб, юзим ўзгариши ҳамон отам кўрсаткич бармоғини бурнига теккизди: "Тсс!".

Англадимки, бир соғина бўлса ҳам аниқ қайғудан яқинларимиз, онам ва отамларни асраш керак. Укамни сўнгги манзилга кузатаётганда негандир кўзимга ёш келмади. Орадан уч кун ўтиб бизга далда бўлиб турган қариндошлар уй-уйига тарқала бошлади. Шунда тоғам билан хўшлашаётган кўриб юбордим. Укамни сўнгги манзилга кузатиб, илк бора йилгадим. Билдимки, қайғу ичга ютилaversа, одамнинг юз-кўзи қотади. Дийдаси қаттиқлашган одамнинг қалби барибир бир кун иштиробларини изхор этишни истайди. Ўзига бир тингловчи, далда ахтаради. Ўша вазиятда унга ким юпанч бўлса, уни бир умр ўзига дилдош, энг яқин инсон деб билади.

Урушдан жабр кўриб, юртимизга даволаниш учун келтирилган 100 нафар замондошларимизнинг ҳам дийдаси қотган. Урушнинг даҳшатларини кўравериб, яқинларини йўқотиб, иштироб ичда тошга айланган. Кўзлари қароқ қудуққа айланган. Бугун янги Ўзбекистон илгари сўраётган адолатпарварлик, тинчликсеварлик сиёсати сабаб улар ўзига далда бўладиган инсонларни топди. Эҳтимол, барча имкониятга эга жойда, ўзбекининг энг тансиқ таомларини еб, тонгни хотиржам қарши олиб, тунда ҳузур билан ухлаётган бу инсонлар қалби сел бўлса, не ажаб. Зеро, қалб осмонга, кўз ёши эса ёмғирга қиёс бўлади. Ёмғир дилни поклайди. Қайғунинг аригиди. Негаки улар инсон қадри улуғландиган мамлакат меҳрини, ўз юртига ўхшайдиган дарёдил одамлар эътиборини ҳис этади.

Донишмандлар адолат устун бўлган жамиятдагина тинчлик барқарор бўлади, деб бежиз айтмаган. Дунёда инсон қадрини улуғлайдиган тинчлик элчилари бор экан, меҳр меҳвари абадий яшайди. Кун келиб адолат қарор топади.

Боборован ҒОЗИДДИНОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

алмашиш, биргаликда турли дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш орқали яқин ҳамкорликни изчил давом эттиришдан манфаатдорлигини намойиш қилмоқда.

Кўп ўлчовли камбағаллик бўйича ўзаро мулоқот, унинг якунида ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тавсиялар жаҳон миқёсида камбағалликни камайтиришда янги қадам бўлиб, бу билан камбағалликни қисқарттириш жараёнида юзага келаётган долзарб муаммоларга самарали ечимлар ишлаб чиқиш имкони мавжуд.

"Шарқ тароналари" ўн учинчи халқаро мусиқа фестивали ҳам август ойида ЮНЕСКО шафелигида бўлиб ўтди. Президентимиз таъкидлаганидек, "Мамлакатимизда ўн учинчи бор ўтказилаётган ушбу анжуман гарчи "Шарқ тароналари" деб аталса-да, бугунги кунда у моҳият эътиборига кўра, "Жаҳон тароналари" фестивалига айланганига барчамиз гувоҳимиз".

Мазкур фестивалнинг биринчисида 31 мамлакат вакиллари қатнашган бўлса, бу галгисида барча қитъадаги 80 га яқин давлатдан 400 дан зиёд санъаткор ва олим иштирок этди.

Шаҳрисабзда ўтказилган Иккинчи халқаро мақом санъати анжумани эса қадимий тарихимиз, бой маданиятимиз, азалий қадриятларимиз рамзи ўлароқ дунё халқларини тинчликка, ҳамжиҳатлик ва умумбашарий тараққиётга, шахс, унинг эрки ва қадрини таъминлашга авж пардалардаги сеҳрли таранум орқали қорлади.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида илгари сурган ташаббусга мувофиқ, 15-16 октябрь кунлари Тошкент ва Хива шаҳарларида "Ислом — тинчлик ва эгулик дини" мавзусида нуфузли халқаро конференция ўтказилди.

Жаҳон илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган, исломни илм-маърифат ва тинчлик йили сифатида намоеён этган Мухаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий сингари буюк олимларнинг бон меросини ўрганиш, исломнинг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб бериш мақсадини кўзлаган ушбу ташаббус халқаро ҳамжамият томонидан қизгин қўлаб-қувватланди.

Умуман олганда, бугун янги Ўзбекистон глобал миқёсдаги мураккаб ижтимоий-сиёсий, иқтисодий шароитда дунёда тинчлик ва барқарор тараққиётни таъминлашга қаратилган халқаро ташаббуслар эгаси, халқаро аҳамиятга эга долзарб масалалар бўйича мулоқот марказига айланиб бораётган давлат сифатида танилмоқда. Шубҳасиз, бугунги халқаро ҳамкорлик доирасидаги сермахсул музокаралар амалий ишларимизнинг сифат ва мазмун жиҳатидан янада юксак босқичга олиб чиқмоқда.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

2024 ЙИЛ: ИСЛОҲОТЛАР САРҲИСОБИ

ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ

Халқимиз ҳаёт сифати ва фаровонлигини таъминлаш сари ташланган муҳим қадам



Нодир ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор



Фарҳод ЗАЙНИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори

Бошланиши 1-бетда

Инвестиция ҳажми жадал ўсиши, ўз навбатида, тадбиркорлик муҳитини яхшилашга беvosита таъсир кўрсатди. Мазкур даврда ушбу инвестициялар ҳисобига 6300 дан зиёд янги корхона ишга туширилгани тадбиркорлик инфратузилмаси кенгайтишига, ишлаб чиқариш диверсификациясида муҳим омил бўлди. Ушбу корхоналар томонидан 30 триллион сўмлик қўшилган қиймат яратилгани иқтисодиётга қўшимча динамика, товарлар ва хизматлар бозорида рақобатни кучайтириш, сифат ва нарх нисбати яхшиланишига олиб келади.

Шунингдек, 163 мингта юқори даромадли иш ўрни ташкил этилгани аҳоли бандлиги масаласини ҳал этишдаги яна бир катта қадамдир. Чунки иш ўринлари кўпайиши даромадлар ошиши, турмуш даражаси юксалиши ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда ҳал қилувчи омилдир.

Бу рақамлар шунчаки айтишга осон. Лекин, аввало, юқорида айтиб ўтганимиз — глобал миқёсда кечаётган мураккаб ижтимоий-сиёсий, иқтисодий шароитда нанкин ўсиш ва ривожланиш, балки борини борича сақлаб қолиш имкони қийинлашган чигал вазиятда бу кўрсаткичлар жуда катта натижадир. Асосийси, 163 мингта юқори даромадли иш ўрни яратилгани шунча оилага, демакки, ўрта ҳисобда ярим миллион юртдошимиз турмушига барака, тотувлик, фаровонлик, шунча кўнгилларга таскин, шукроналик, умид олиб кирганини аниглади.

2024 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда хорижий капитал иштирокига эга 15 минг 297 та корхона фаолият юритмоқда. Шундан 4261 таси қўшма, 11 минг 36 таси тўлиқ хорижий сармоя асосидаги корхонадир. Уларнинг сони ортиб бораётгани хорижий инвесторларнинг Ўзбекистон иқтисодиётига ишончини тасдиқлайди.

Соҳа кесимида хорижий сармоядорлар иштирокидаги энг кўп корхоналар савдо соҳасида фаолият юритмоқда — 5454 та. Кейинги ўринларда саноат (3300 та), қурилиш (1128 та), ахборот ва алоқа (1066 та), хизматлар (612 та), ташиш ва сақлаш (519 та), қишлоқ, ўрмон ва балик ҳўжалиги (416 та), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш (194 та) соҳалари жойлашган. Шунингдек, бошқа соҳаларда 2608 та корхона фаолият юритмоқда.



Давлатимиз раҳбари раислигида бўлиб ўтган йиғилишда айрим тармоқларда инвестиция ҳажми камайгани қайд этилди. Бу глобал бозордаги ўзгаришлар ва технологик тараққиёт сабабли тармоқларни модернизациялаш ҳамда янги бозорларни ўзлаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, 17 та лойиҳада ҳужжатлар тайёрлаш ва тендер жараёнлари чўзилиши сармояларни ўз вақтида жалб қилиш ва иқтисодий режаларни амалга оширишга тўққинлик қилмоқда.

Инвестиция сиёсатини ҳар бир ҳудудда аниқ стратегия асосида йўлга қўйиш, тадбиркорлар билан ишлашда самарали ёндашувлардан фойдаланиш зарур. Халқаро молия институтлари ва хорижий инвесторлар учун очик, шаффоф механизмлар яратиш иқтисодий ўсиш ва тармоқлар рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

иқтисодиётда хусусий сектор улушини ошириш имконини беради.

Аммо халқаро молия институтлари иштирокидаги айрим лойиҳалар чўзилиб кетиши, ҳужжатлар ва танлов жараёнларидаги кечикишлар ушбу ҳамкорликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шундай экан, бу борада аниқ мuddатлар, самарали мониторинг ва баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш, шаффоф ва тезкор қарор қабул қилиш амалиётини жорий этиш зарур. Бу нафақат муайян лойиҳалар, балки бутун иқтисодий соҳада сармоя муҳитининг янада жозибadorлашишига хизмат қилади.

“Йирик инвестиция лойиҳалари, хусусий сектор ролини кучайтириш, рақобатбардош тармоқларни ривожлантириш, илм-фан ва инновацияни иқтисодиётга фаол жалб этиш, логистика ва инфратузилмани яхшилаш, ижодий ёндашувлар билан бизнесни эркин ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни яратиш орқали биз келгусида янада юқори марраларга эриша оламиз.

батбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар йўлида халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутати. Бу институтлар нафақат молиявий ресурсларни, балки илгор менежмент ва бошқарув тажрибаларини, лойиҳаларни шакллантириш ва мониторинг қилиш бўйича илгор методларни ҳам олиб киради.

Шу ўринда Европа тикланиш ва тараққиёт банкнинг Ўзбекистон бизнес муҳитидаги ижобий ўзгаришларни эътироф этаётгани, иқтисодиёт ўсиши суръатларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. 2025 йилга мўлжалланган режалар иқтисодиётда рақобатбардош тармоқларни вужудга келтириш, мавжуд тармоқларни модернизациялаш, энергия самарадорлигини ошириш, транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантириш, агросаноат комплексини юқори қўшилган қиймат яратувчи секторга айлантириш каби стратегик йўналишларни ўз ичига олиши лозим.

Бу жараёнда аниқ ҳудудий стратегияларни ишлаб чиқиш муҳим. Ҳар бир вилоят, туман ёки шаҳар ўзига хос иқтисодий салоҳият, табиий ресурслар, ишчи кучи потенциали, транспорт географияси ва бозор имкониятларига эга. Демак, инвестициявий лойиҳаларни белгилашда ушбу

хусусиятлар ҳисобга олиниши, ҳар бир ҳудуд учун мослаштирилган инвестиция дастурлари қабул қилиниши, уларнинг ижросини таъминлайдиган самарали бошқарув механизмлари ишлаб чиқилиши шарт.

Инвестиция жозибadorлиги фақат миқдор жиҳатидан эмас, балки ушбу маблаглар қандай мақсадлар учун ишлатилаётгани, иқтисодий ривожланиш ва инновацион янгиланишга қанчалик ҳисса қўшаётгани билан ҳам белгиланади. Шу боис, инвестициявий лойиҳалар илм-фан, технология ва инновацияга асосланган ҳолда шакллантирилиши зарур.

Масалан, хорижий сармоя ҳисобига қурилган замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳасига илгор тажрибалар жорий этилиши, маҳаллий кадрлар малакасини ошириш, ички бозорни тўйинтириш билан бирга экспорт салоҳиятини кенгайтириш ҳам жуда муҳим.

Бу борада маҳаллий тадбиркорлик субъектлари билан хорижий инвесторлар ўртасида синергия яратиш, кластерлар ташкил қилиш, билим алмашинуви, технологик трансферлар, стартапларни ривожлантиришга эътибор қаратиш зарур. Йирик лойиҳалар атрофида кичик ва ўрта бизнес шаклланиши, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш, импорт ўрнини



Йиғилишда муҳокама қилинган айрим лойиҳалардаги кечикишлар ҳам эҳтимол, ахборот-ресурс базаси, техник ҳужжатларни тайёрлаш, тендер жараёнларини ташкил этишдаги сусткашликка бориб тақалади.

Бу борада хорижий консалтинг компаниялари, халқаро молия институтлари ва маҳаллий эксперт ҳамжамияти билан ҳамкорликда ишлаш, малакали мутахассислар тайёрлаш, лойиҳаларни бошқариш методологияларини жорий этиш зудлик билан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалардан саналади.

Институционал ривожланиш ҳам инвестицияларни жалб қилишда муҳим ўрин тутати. Ихтисослашган агентликлар, экспортни қўллаб-қувватлаш марказлари, инвестиция бўйича маслаҳатчи органлар, ҳудудларда инвестиция бўлимлари фаолиятини кучайтириш, уларнинг малакасини ошириш ва ваколатларини аниқ белгилаш орқали бутун инвестиция жараёни бошидан охиригача самарали бошқарилиши мумкин.

Бундай стратегия ҳаётга татбиқ этилишида илм-фан ва таълимга сармоя киритиш, инновацион экотизимларни ривожлантириш, стартаплар, венчур фондлар, инновацион лабораториялар, тадбиркорлик инкубаторларини кенгайтириш зарур. Янги технологиялар, сунъий интеллект, “яшил” энергия ечимлари тадбиркорлик муҳитини тўлиқ янгилашга қодир. Хорижий инвестициялар ана шу жараёнларда катализатор вазифасини ўтайди.

Транспорт ва логистика соҳасини тараққиёт этириш, эркин савдо ҳудудларига интеграциялаш, қишлоқ ҳўжалигида илмий ёндашув, сув ресурсларини тежаш, экотуризмни ривожлантириш каби йўналишлар ҳам чет эл сармояларини жалб қилишда муҳим аҳамиятга эга. Инвесторлар диверсификацияланган, модернизациялашган, барқарор иқтисодиётни афзал кўради. Шу боис, барча соҳаларни бирдек ривожлантириб, инвестициявий жозибadorлигини кенгайтириш лозим.

Мухтасар айтганда, тадбиркорликни ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш бўйича Ўзбекистонда кечаётган кенг қамровли ислохотлар дастлабки ижобий натижаларини бермоқда. Юқорида қайд этилган кўрсаткичлар амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг амалий самарасидир.

Тадбиркорликни ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш масаласи узоқ мuddатли, мураккаб, лекин истиқболли жараён эканини кўрмоқдамиз. Бу жараёнда ҳуқуқий, институционал, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар билан йўналишда, узвий йўналишда амалга оширилиши лозим. Айнан шундай ёндашув иқтисодиётнинг барқарор ўсишини, глобаллашган жаҳон иқтисодий тизимда муносиб ўрин эгаллашни, аҳоли фаровонлигини юксалтириши таъминлайди.

Йирик инвестиция лойиҳалари, хусусий сектор ролини кучайтириш, рақобатбардош тармоқларни ривожлантириш, илм-фан ва инновацияни иқтисодиётга фаол жалб этиш, логистика ва инфратузилмани яхшилаш, ижодий ёндашувлар билан бизнесни эркин ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни яратиш орқали биз келгусида янада юқори марраларга эриша оламиз. Энг муҳими, ушбу йўлда яратиладиган ҳар бир иш ўрни, экспортга йўналтирилган ҳар бир маҳсулот, тадбиркорлик муҳитининг яхшиланиши билан боғлиқ ислохотлар жамият фаровонлиги, халқнинг ҳаёт сифати ва давлатнинг рақобатбардошлиги сари ташланган муҳим қадамдир.



жараёнда давлат-хусусий шериклиги механизмларини кенгроқ татбиқ этиш, хусусий сармоя киритиш имкониятларини кенгайтириш, лойиҳалар портфелини шакллантиришда сифат ва самарадорликка алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Худудларнинг ўзига хос салоҳиятига таянган ҳолда аниқ инвестицион профиллар ишлаб чиқиш, маҳаллий ресурслардан самарали фойдаланиш, транспорт-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, энергетика таъминотини яхшилаш, инсон капитали салоҳиятини юксалтириш орқали уларни инвесторлар учун жозибador марказларга айлантириш мумкин.

Худудлар учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб қилиш бўйича алоҳида дастурлар, инновацион технопарклар, эркин иқтисодий ва махсус индустриал зоналар ташкил этиш муҳим. Бунда ҳудудий сармоядорлар иштирокини рағбатлантириш, чет эллик сармоядорларга қулай суғурта ва қафолат механизмларини таклиф этиш, ҳуқуқий ҳимоя

тизимини такомиллаштириш, маъмурий тўсиқларни бартараф этиш каби вазифалар долзарбдир.

Инвестиция жалб қилиниши паст бўлган саккизта туман ва шаҳарда, аввало, мавжуд иқтисодий шароит, инвестиция сиёсатидаги хатоликлар, иншоотлар ва инфратузилма ҳолати, маҳаллий бошқарув органлари салоҳияти чуқур таҳлил қилиниши, сўнгра аниқ “йўл хариталари” ишлаб чиқилиши лозим. Натижада бу ҳудудларда ҳам сармоя оқимини фаоллаштириш, янги лойиҳаларни илгари суриш, тадбиркорлар учун жозибador муҳит яратиш ва бандликка ҳисса қўшиши мумкин бўлади.

Жаҳон тажрибаси кўрсатадики, тараққиёт топан давлатлар иқтисодиёти барқарор ўсишида хусусий сектор муҳим роль ўйнайди. Инвестициявий лойиҳалар муваффақиятида давлат-хусусий шериклик тизими асосий механизмдир. Давлат-хусусий шериклик инфратузилма лойиҳаларини рўёбга чиқариш, транспорт, энергетика, сув таъминоти, чиқиндиларни қайта ишлаш каби ижтимоий аҳамиятга эга соҳаларга инновацион ёндашувни татбиқ этиш имконини беради.

Ўзбекистонда ҳам давлат-хусусий шериклиги механизмлари орқали энергетика, транспорт, коммунал ҳўжалик, соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларида йирик лойиҳалар бошланган. Мазкур механизмлар хорижий инвесторлар учун ҳам жозибador, чунки улар давлат қафолатларидан фойдаланган ҳолда барқарор бозор сегментларига киритилмоқда. Бироқ бу борада ҳуқуқий базани такомиллаштириш, шаффофликни таъминлаш, коррупцияга қарши механизмларни мустаҳкамлаш ва таваккалчиликни адолатли тақсимлаш талаби ортиб бормоқда.

Инвестиция қарорларини қабул қилишда ишончли, тўлиқ, замонавий статистик, таҳлилий ахборот таъминоти катта роль ўйнайди. Инвесторлар маълумотга асосланган ҳолда қарор қабул қилиш учун тегишли инфратузилма, қонунчилик базаси, хатарларни баҳолаш методологиялари, бизнес юритиш харажатлари, демография ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар, логистика имкониятлари бўйича аниқ ва ишончли маълумотларга муҳтож.

Шу билан, Ўзбекистонда статистика тизимини халқаро стандартларга мослаштириш, соҳалар, тармоқ ва худудлар кесимида интерактив, юқори ишончли маълумотлар базасини шакллантириш, инвесторлар учун ахборот порталани ривожлантириш лозим.

2025 йил — Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАИ

хонадонларни ёритиб, харажатларни камайтирмоқда

Бундан 15 йиллар олдин телевизор орқали қуёш панеллари ҳақида лавҳа кўргандим. Ўшанда қуёшдан текин электр токи олиш мумкинлиги ва бундан ҳатто одамлар ўз хонадониди фойдаланаётганини эшитиб қолганман. Бу технология қандай ишлашни билмасам-да, қуёшдан олинган электр токи текинга тушиши ва экология учун зарарсиз экани мени қизиқтириб қўйган. Аммо замонавий технология бизга хали-бери кириб келмаса керак, деган ўй билан қуёш панеллари ҳақида бир муддат унутдим.

Шу йилнинг ёз ойларида дам олиш учун Тошкент вилояти Паркент туманига йўл олдим. Машинада доимги ҳамроҳларим — онам ва холаларим бор. Йўл-йўлакай кўчадаги ёриткичларга кўзимиз тушди. Бир қараганда оддий, замонавий ёриткичлар. Аммо эътиборимизни тортган жиҳати бошқа: ёриткичларнинг ҳар бири устки қисмига кичик ҳамда янги қуёш батареялари ўрнатилган. Ана шундан янги технологиядан унумли фойдаланиш. Демак, ёриткичлар қуёш батареялари орқали табиий ёруғликдан олинганда бепул электр токи ҳисобига ишлайди. Бу анчагина самарадорликка эга. Йўл бўйлаб ўрнатилган юзлаб ёриткич қувватли табиий манбадан олиши ҳисобига умумий тармоқда қанча электр энергияси тежаланиши тасаввур қилаверинг. Қолаверса, уларнинг ишлаши асосий тармоққа боғлиқ бўлмагани боис, узиллишлар вақтида ҳам кўчалар чарогон бўлиб тураверади. Очиги, қуёш нури фақат кундузи бўлиши, ёриткичлар эса тунда зарурлигини инобатга олсак, батареянинг қандай ишлаши билан ҳам қизиқимиз. Балки батареялар кун давомида оладиган электр энергияси махсус аккумуляторларга тўпланиб, тунда сарфланса керак.

Шуларни уйлардан, қуёш батареялари ҳақида кўрганим ўша лавҳа ва бу технологиядан биз ҳам фойдаланишимиз ҳақидаги хаёларим ёдимга тушди. Ўшанда мен табиий ёруғликдан электр энергияси олишни чинакам кашфиёт деб ҳисоблагандим. Хайриятки, замонавий ихтиро бизга ҳам кириб келишига кутганимдек узок вақт кетмади. Юртимизда 2016 йилдан бошланган шиддатли ислохотлар фондида бундай илгор технологияларнинг тез омаллашиши оддий ҳолга айланди. Қуёш панелларидан фойдаланиш ҳам шундай, кўпчилик бунга дарҳол қизиқиш билдирди. Аввалги уларни корхона, ташкилот-муассасаларга ўрнатиш бошланди, бугунги кунга келиб эса кўплаб хонадонларнинг томларида қуёш панеллари кўзимиз тушяпти. Айниқса, ушбу қурилмани ўрнатган аҳолига қатор имтиёзлар берилган истеъмолчиларда катта қизиқиш уйғотиб, уларнинг сони ортишига туртки бўлмоқда. Юртошларимиз ўз хонадонларига ўрнатиб, ундан даромад ҳам олапти.

Боғбон маҳалласидаги “қуёшли” уйлар



Даромад ҳам ўз йўлига, асосийси, электр энергияси учун тўловлардан яшигинга тежамкорлик бўлади. Масалан, хонадонига қуёш панели ўрнатган оила қурилма орқали оладиган электр токи учун давлатга ҳеч қанча тўлов қилмайди, ёруғлик нури берадиган ток текинга тушади. Асосий харажат қуёш панеллини сотиб олишга сарфланади. Тўғри, қурилманинг нархи арзон эмас. Кичик ҳамда 2 киловаттлик қуёш батареясининг бозор нархи 10-15 миллион сўмдан юқори. Аммо унинг бир неча ўн йил ишлашига кафолат берилади. Электр энергиясига тўловларни тежаш орқали қурилма харажати бир неча йилдаёқ чиқариб олиш мумкин.

Бу, айниқса, кам таъминланган, эҳтиёжман оилалар учун жуда қулай. Юртимиз бўйлаб шундай оилаларга қўшимча ёрдам бўлиш деган мақсадда 2 киловаттлик қуёш панеллари ўрнатиб берилаётгани боиси

кўрмадик. Фойдаланишда ортиқча харажат, қийинчиликлари йўқ экан.

Ушбу оилалар беш киши истикомат қилади. Наима опанинг келини Муҳаббат опа турмуш ўртоғининг вафотидан кейин 4 бола билан ёлғиз қолган. Фарзандларининг энг кичиги ҳали воёга етмаган. Тўғри, оиллага доимий ёрдам берадиган яқинлари, қариндош-уруғлар бор, ҳеч бири уларни ёлғизлатиб қўймайди. Аммо ёлғиз аёлга барибир осон эмас. Бундай вақтда кичик кўмак ҳам тоғдек кўринади. Қолаверса, Муҳаббат опа тикувчилик билан шуғулланади. Асосий иш жойидан ташқари уйга ҳам иш олиб келиб тикади. Тикув машинаси электр токида ишлайди. Аёлни айтишича, ёз ойларида хонадон ойнага 170-190 киловатт электр энергияси сарфлаган. Қуз ойларида бу 130 киловаттга тушган. Оила аъзолари имкон қадар электр токидан тежаб фойдаланишга ҳаракат қилади, аммо маиший қурилмалар, кундалик эҳтиёжлар ва тикув машинаси ишлаши учун барибир электр токи зарур. У эса текин эмас. Шу жиҳатдан хонадонга қуёш панели ўрнатилгани айни муддао бўлди.

Тошкент тумани “Боғбон” МФЙда истикомат қиладиган Наима опа маҳалла томонидан хонадонига қуёш панели ўрнатиб берилганини қувониб гапирди. Аслида, қурилма аввалроқ ўрнатиб кетилган. Орадан бир муддат ўтиб, яқинда ишга тушириб берилди. Хонадон аъзолари ҳозирча тўловлардаги ўзгартиришни кузатмаган бўлса-да, қурилма ишлаётгани ва кундузи электр токини қуёш батареяси орқали олаётганини айтиди. Аммо кечкурун электр токи ўчиб қолгудек бўлса, қурилма ҳам ишлашдан тўхтаётган экан. Гап шундаки, қуёш панелига электр токини тўплайдиган аккумулятор ўрнатилмагани боис, кечкурун ток ишлаб чиқармайди ва умумий электр тармоғидан фойдаланишга тўғри келади. Шунинг учун электр энергияси

учун тўланадиган харажатлар ҳам яшигинга қисқаришига қарамай, бутунлай халос бўлмайди. Борди хонадон эгалари аккумулятор ўрнатса, электр токини тўлиқ қуёш батареялари орқали ола бошлайди ва истеъмолдан ортиқчасини давлатга сотиши ҳам мумкин.

— Кундузи қуёш панелидан, кечкурун умумий тармоқдан фойдаланамиз. Бонси аккумулятор қўймаганим, — дейди Наима опа Эшонхўжаева. — Аммо қурилма кун давомида электр токига кетадиган харажатларимизни тежаса ҳам катта гап. Бу биз учун ҳарна ёрдам-да. Яна солиқ тўловларидан имтиёзлар бўлиши, қуёш панелига аккумулятор ўрнатсак, давлатга электр токи сотишимиз ҳам мумкинлигини айтишди. Очиги, қурилмани яқинда ишлаштириши бошладик ва ҳозирча бирор муаммо

оиласига даромад олиб кираётган бўлса-да, воёга етмаган фарзандлари борлиги сабаб маҳалладан келиб қуёш панели ўрнатиб беришгандан қувонди.

— Маҳалламизда 3434 киши истикомат қилади. Ўндан зиёд оила кам таъминланган, эҳтиёжман сифатида рўйхатга олинган, — дейди Рустам Султонмуродов. — Уларга турли йўналишларда ижтимоий ёрдам кўрсатиб келинади. Шундан 6 та хонадонга умумий қуввати 2 киловатт бўлган қуёш панели ўрнатиб, ишга тушириб берилди. Қурилма соатига 2 киловатт электр энергияси ишлаб чиқаради ва бу бир оиланинг кунлик эҳтиёжини қоплайди. Агар батареяга қўшимча сифатида аккумулятор сотиб олиб ўрнатилса, электр қуввати захирага тўпланади. Ана шу захирадан кечкурун фойдаланиш ёки истеъмолдан ортганини давлатга сотиш мумкин.

Бу ҳам қўшимча даромад топишининг йўли. Келинг, ҳисоблаб кўрамиз. Масалан, бир оиланинг электр токига кунлик талаби барча эҳтиёжларини қўшиб ҳисоблаганда 5-6 киловатт деб олайлик. Қуёш панели эса соатига 2 киловатт электр ишлаб чиқаради. Демак, 8 соатда 16 киловатт захира тўпланади. Бу истеъмолдан 3-4 баробар кўп. Ана шу ортиқча электр токини давлатга сотиш мумкин. Бунинг учун электр тармоқлари корхонаси билан шартнома имзоланади ва улар давлатга электр энергияси учун тўланадиган нархдан бир неча баробар кичик сотиб олади.

Қурилманинг захира тўплайдиган аккумуляторини ўрнатиш эса хонадон эгаларининг ўз ихтиёрида. Суриштирганимизда аккумуляторнинг ҳар бири ҳозирги бозор нархида 1 миллион сўмдан ошшини айтишди. Агар бир неча аккумулятор ўрнатилса, тўпланадиган захира ҳам шунча ошиб бораверади. Айниқса, қуёшли ўлкамизда ушбу қурилмадан йил ўн икки ой фойдаланиш мумкин. Ҳатто қуёшнинг озгина ёруғлиги ҳам электр токи ишлаб чиқариш учун етарли бўлади. Умумий тармоққа боғлиқ бўлмаган ҳолда беминнат электр токи олишининг афзалликларини ундан фойдаланаётганлар яхши билади.

Келажак лойиҳалари старт олди

Қуёш панеллари ўрнатган аҳоли нафақат ўзи, балки мамлакат иқтисодиётининг ҳам барқарор ўсишига муносиб ҳисса қўшади. Юртимизда экология учун зарарсиз бўлган муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш кўлами ортади. Шу боис, давлат бу борада фуқароларни рағбатлантиряпти. Бу ўзбекистоннинг “яшил” иқтисодиётга ўтиш йўлидаги катта ҳаракатларнинг бир қисми. Муқобил энергия манбалари орқали электр энергияси ишлаб чиқариш эса жаҳон энергетика соҳасининг янги ва келажак даври саналади. Мамлакатимиз бу йўлга фаол кириб бораётган давлатлардан бирига айланди. “Яшил” иқтисодиётга ўтиш йўлидаги ҳаракатларимиз 2019 йилдан бошланганига қарамай, қисқа вақтда катта лойиҳалар ишга тушгани бунинг исботи.

Шу йилнинг 13 декабрь куни барчамиз яна бир тарихий воқеалик гапга бўлдик. Пойтахтимизда янги энергетика қувватларини ишга тушириш ҳамда навбатдагиларини қуришга бағишланган тантанали маросим ўтказилиб, давлатимиз раҳбари бошчилигида қиймати 3,7 миллиард долларлик 18 та янги қувват ишга туширилиб, навбатдаги 6 та лойиҳа қурилишига старт берилди.

Воқеанинг тарихийлиги шундаки, биз бундан 8 йил олдин “яшил” энергетика ҳақида тасаввурга ҳам эга эмасдик. Юртимизда қуёш ва шамол электр станциялари қурилиши фақат хаёлдек эди. Аммо ҳозир бу йўналишдаги янги ва йирик лойиҳалар ҳақида гапиряпмиз. Ваҳоланки, ўтган қисқа давр мобайнида мамлакатимизда 3,5 минг мегаваттлик ёки 10 миллиард киловатт-соатга тенг 16 та йирик қуёш ва шамол электр қуввати ишга туширилгани кичик рақамлар эмас. Бунинг ҳисобига 2024 йилда “яшил” энергия улуши 16 фоиздан оширилди. Янги экологик тоза энергия қувватлари йилига 2-3 карра кўпайтиряпти.

Бу орқали ҳар бир хонадонга “яшил” энергия кириб боришидан манфаатдормиз. Экологик тоза, арзон электр қувватлари табиий манбаларнинг тежамисини баробарида узулқис эҳтиёж билан таъминланишимизга хизмат қилади.

Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Жараён ҚУЛАЙ БИЗНЕС МУҲИТИ

ИШБИЛАРМОНЛАРНИ ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТГА ЧОРЛАЙДИ

Жорий йил 16 декабрь куни давлатимиз раҳбари раислигида ўтган видеоселектор йиғилишида банкларнинг аҳоли камбағаллини даражасини камайтиришга қўшадиган ҳиссасига эътибор қаратилди. Шунингдек, оилавий ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, ер ресурсларидан унумли фойдаланиш, инфратузилма лойиҳалари, микромолия ҳамда факторингни ривожлантириш бўйича аниқ йўналишлар белгилаб берилди.

Мазкур йиғилиш банкларни муҳим тузилмага айлантиришга катта ҳисса қўшади. Банклар фаолиятини маҳаллага кўчириш орқали аҳоли турмуш тарзини тўғри ва холисона баҳолаш имконияти туғилади. Кредит ва бошқа молиявий ресурслардан фойдаланиш таъминланади.

Кеча пойтахтимизда “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан тадбиркорлар иштирокида бизнес учрашуви ташкил этилди. 100 га яқин ишбилармон билан

томонидан аҳолини тадбиркорликка жалб қилиб, бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш борасидаги ишлар натижасида қарийб 8000 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилди, барча йўналишлар ҳисобига 262 мингдан ортқ янги иш ўрни очилди.

Келгуси йилда банк томонидан Сайхунбод, Уйчи, Зарбдор ва Ғиждуvon тажрибали асосидаги ишлар изчил давом этирилади. Тадбиркорлик билан



мулоқотда банкдаги турли кредит маҳсулотлари, онлайн факторинг, “Green banking”, экспортни қўллаб-қувватлаш йўналишидаги молиявий тақлифлар, шунингдек, “SQB Business” мобил иловаси ва ундаги онлайн хизматлар ҳақида баътафсил маълумот берилди.

Банк ҳузурида ташкил этилаётган Микромолия ва факторинг компанияси, стартапларни бизнесга айлантирадиган акселераторлар фаолияти хусусида фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари яқинда мамлакатимиз етакчи тадбиркорлари билан учрашувда “Кенг қўламли ислохотларимизнинг илк қуларидан бошлаб мен бир фикрни доим таъкидлаб келаман: тадбиркорликни ривожлантириш — биз учун стратегик вазифа. Бизнесни таъинчимиз ҳам, сувчимиз ҳам, энг катта кучимиз ҳам шу соҳада мужассам.”

Шу боис, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш марказдан тортиб энг қулай бўлганча — барча раҳбарларнинг қулайлиги иши бўлиши шарт”, деди. Сўнгги йилларда Президентимизнинг тадбиркорлар билан ўтказаятган очик мулоқотлари туфайли соҳа эгаларининг ижтимоий масъулияти ортиб бораётди. Биргина мисол, ўтган қисқа муддатда тадбиркорларимиз камбағал оилаларнинг 387 минг аъзоси ва ногиронлиги бор 40 минг одамни даромадли қилди.

Президентимизнинг йиғилишида “2025 йил бандлигини таъминлаш ва камбағалликни камайтиришда энг муҳим ва ҳал қилувчи йил бўлади”, дейиши билан мақсад энди банклар, маҳалла, ҳокимликлар ва тадбиркорлар ҳамкорлигида янги модел мамлакат миқёсида омаллаштирилади.

Бу жабҳада “Ўзсаноатқурилишбанк” барча иқтисодий дастурларда фаол қатнашмоқда. Хусусан, жорий йилда банк

шуғулланиш истагидаги фуқароларга “Бизнесга иккинчи қадам” ва “Тезкор кредит” каби имтиёзли кредитлар тақлиф этилади. “Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш” дастури доирасида соддалаштирилган кредитлар ажратилади.

2025 йилда барча йўналиш ҳисобига 400 минг кишининг бандлиги таъминланади. Шундан 240 мингга яқини тадбиркорликка жалб қилинади.

— Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаб, янги иш ўринларини яратиш борасида банк тизимида алоҳида ёндашувлар ҳам мавжуд. Масалан, бир ҳудуддаги салоҳиятли тадбиркорга кам фоизли кредит бериб, лойиҳасини оғир туманда таъкиб этиш орқали ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилашга ҳисса қўшилмоқда, — дейди “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ бошқаруви раиси ўринбосари Санжар Абдувалиев. — Президентимиз ушбу ташаббусимизни маъқуллаб, уни бошқа тижорат банкларида ҳам қўллаш бўйича кўрсатма берди. 2025 йилда мазкур тажрибани давом этириб, Қорақалпоғистон Республикаси ва Сурхондарё вилоятига бошқа ҳудудлардан тадбиркорлар жалб қилишни муължалланамиз.

Пойтахтлик тадбиркорлар билан учрашувда шу мақсадда шакллантирилган 30 дан ортқ лойиҳа, уларни таъкиб этишга доир имтиёз ҳамда халал бераётган масалалар муҳокама қилинди.

Бизнес-мотиватор Ҳасан Мамасанов иштирокчиларни жаҳон бизнес ҳамжамиятида қўллаб-қувватлаш янги тамойиллар, тармоқлар ва технологиялар билан яқиндан таништирди. Шунингдек, лойиҳаларни пухта амалга оширишга доир замонавий назарий қарашлар ҳақида маълумот берди.

Сардор ТОЛЛИБОЕВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Эътироф

Пойтахтимизда “Йил аёли” миллий танловининг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Олий Мажлис Сенати раиси Танзилла Норбоева тадбирни очиб, мамлакатимизда кейинги йилларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, оилалар фаровонлигини ошириш борасида кенг қамровли ишлар қилинаётганини таъкидлади. Бу жараёнда соҳага доир халқаро стандартларга мос миллий қонунчилик базаси такомиллаштирилиб, 100 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

“ЙИЛ АЁЛИ” ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Хусусан, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатини таъминлаш, оила институтини ҳар томонлама мустақамлаш бўйича энг қулай бўган — маҳалла ва хонадонга кириб борадиган вертикал тизим яратилди. Маҳаллаларда хотин-қизлар фаоли лавозими жорий этилди. Аёллар меҳнати тўлиқ ёки қисман қўлланилиши таъкидланган меҳнат шартини ноқулай бўлган ишлар рўйхати бекор қилинди.

Хотин-қизлар илм-фан билан шуғулланиши учун барча шароитлар яратилляпти. Қизларнинг олий ўқув юртиларида ўқишни қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли кредитлар, махсус квоталар ажратилмоқда. Магистратурада ўқийдиган қизларнинг контракт тўловлари тўлиқ давлат бюджетидан қоплаб берилмоқда. Натижада олий таълим муассасаларида тахсил олаётган хотин-қизлар улуши 52,2 фоизни ташкил этмоқда. Уларнинг давлат бошқарувидаги улуши 35, тадбиркорлик соҳасида 37, сиёсий партиялар таркибиде 49 фоизга етгани опа-сингилларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ишлар самараси, албатта.



Мамлакатимизнинг гендер тенглик соҳасидаги ютуқлари халқаро даражада ҳам муносиб эътироф этилаётгани қувонarli. Жумладан, Ўзбекистон 2024 йилда гендер тенглик ва бошқарув индекси бўйича 72,8 балл тўплади. Бу орқали 2022 йилдаги 103-ўриндан 51 та поғона кўтарилиб, 52-ўринни эгаллади.

Айни пайтда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий фаолигини янада ошириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, гендер тенгликни қарор топтириш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатини таъминлашга оид чора-тадбирлар изчил давом этияпти. Бу жараёнда аёлларнинг интилиши ва эзгу ташаббусларини кенг қўллаб-қувватлаш, салоҳиятини рўбга чиқариш учун барча шароитларни яратиш доимий эътиборда.

“Йил аёли” миллий танловини ўтказишдан мақсад ҳам жамият ҳаётида фаол иштирок этаётган, ҳар жиҳатдан ибратли хотин-қизларни аниқлаш, фаолиятини кенг жамоатчиликка

яқиндан таништириш ҳамда илгор иш тажрибаларини омаллаштиришдир.

Танловда Олимпия ва миллий спорт турлари бўйича Нукус олий маҳорат мактаби ўқитувчиси Нигора Полвонова олий ўрин совриндори бўлди ва Президент совғаси — автомобиль билан мукофотланди. Шунингдек, 1-, 2-, 3-ўрин ғолиблари ва 12 та номинатив бўйича совриндорлар ҳам тақдирланди.

— Илм-фан йўналишида йил аёли сифатида эътироф этилганидан жуда мамнунман, — дейди “Йилнинг энг фаол олимпиада аёли” номинативси совриндори, Тошкент давлат педагогика университети профессори Азиза Мухторова. — Сўнгги йилларда хотин-қизларга яратилаётган имкониятлар туфайли барча жаҳалларда уларнинг фаолиги ошмоқда. Хусусан, бизнинг жамоамизда ишлаётган олимпиада аёллар ҳам бу имкониятдан унумли фойдаланиб, талабаларга илм-фан сирларини чуқур ўргатиш баробарида жамият фаровонлигига йўналтирилган катта лойиҳаларни ҳаётга таъкиб қилмоқда.

Тадбир доирасида намойиш этилган концерт дастури иштирокчиларга кўтаринки кайфият бахш этди.

Баҳор ХИДИРОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Эркин Воҳидов эзгу сўз ва амал уйғунлиги, фикр ва иш бирлиги, халқ ва ҳақ томонида собит тура олди, халқнинг виждонига айланди. Давлат мустақиллиги, юрт эрки, миллий тил тирикчилиги, халқ фаровонлиги йўлида курашиб, элимиз юрагидан жой олган ўзбек зиёлиси, ўзбек феномени даражасига чиқди.



28 декабрь — Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллуду куну

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йилдаёқ “Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарорни имзолаб, тарихий адолатни тиклади. Давлатимиз раҳбари улғу ижодкорларни хотирлаб, бундай буюк одамлар миллат ғурури, ифтихори, хазинаси эканини айтган ва “Ҳамма нарса эътибор ва муносабатда”, дея таъкидлаган эди. Шундан сўнг юртимизда адабиётга, миллат маънавиятига қаратилган ислохотларнинг янги даври бошланди.

ТО ҚУЁШ СОЧГАЙКИ НУР

Эркин Воҳидовнинг эзгуликка эш бўлган умр ҳикмати

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовни эслаганимда мудом кўзимга ёш келади. Инсон жигаридан айрилгандаги изтиробни ҳис этаман. Айни дам гарчи видео кўшиғи айрилган, руҳ бақога кўчган бўлса-да, шоирни жуда яқиндек, худди орамизда юргандай сезаман. Аввалига бу қоришқ туйғунинг номини топиб бўлмайди. Сўнг англай бошлайманки, шоир кўнглимизда абадий яшапти!



Калбингдаги бу яқинлик туйғуси ўша “Ўн саккизга кирмаган ким бор?” билан кўнглимизга кирган. Сўнг у эрка ташна руҳингда “Рухлар исёни”ни бошлаган кездан бери бирга улғайганимни туясан. Бу вақтда англамларнинг ҳар бир хужайранини забот этган, шоир эса қаҳрамонинга айланиб улгурган бўлади. Энди сен улар билан яшай бошлайсан. Улар сенга куч ва илҳом бағишлайди. Яратганининг хос бандалари шу миссия учун яратилишини тушуна бошлайсан...

Оила танлови

Воҳидовлар оиласига ҳавасмандлик ила устознинг рафиқаси Гулчехра онамдан қандай учрашганларини сўраганимда бундай сўзлаб берганди:

“Ушанда журналистика институтида ўқирдик. Бир кун дарсга кираётсак, зинанинг четиди бешинчи курс йиғитлари гурунглашиб турган экан. Шу пайт бирдан қаттиқ шомол турди. У даврда кенг, калта юбкалар урфга кирганди, қарасам, шомол эсан сари юбка кўтарилиб, одамни хижолатга қўядиган. Ур-тоқларимдан ажралиб, шитоб қайтдим-да, дўкон орқасига беркиндим. Ё шомол тўхтагани, ё анави йиғитлар кириб кетсин дедим. Кўнгирик чалиниб, йиғитлар кўтарилиши билан секин орқаларидан кириб олдим. Буни қарангки, ўша йиғитлар даврасида Эркин акам ҳам бўлиб, мени зимдан кузатиб, кўз остига олиб, кўнглидан ўтказиб қўйган экан. “Ушанда сизга сараф солиб, кузатган эдим, ифратингиз сабаб юрагимдан жой олгандингиз. Лекин мен битирувчиман, кўлимда бир сўм пулим йўқ, уй-жойим йўқ. Энди уйлангунимча бу қизлар кимники бўлиб кетади-ю деб ўйлагандим”, деган эди Эркин акам тўйдан кейин.

Тақдирни қарангки, ўқишни тамомлаб, нашриётга амалиёт ўташга борганимда, Эркин акам мени кўриб, ўзига сикмай кетган экан.

Эркин акам уйланиш ёшига етган бўлишига қарамай, шароит йўқ, тоғасининг қўлида эди. Мени таъналаганидан кейин ҳам оилалар ўртасида фарқ катталиги учун унаштирувчимиз анча қийинчиликлар билан бўлган. Тўйдан олдин Эркин ака келиб:

— Беш кун турсангиз, беш кун бахтлиман, уч кун турсангиз, уч кун бахтлиман. Бир ҳафта, ўн кунни айтолмайман, — деганди.

Мана, ўша даргоҳда беш кун, ўн кун эмас, иккита болали бўлгунча турдик. Бахтли ҳаёт кечирдик. Мен Эркин акадай инсон билан ҳаёт кечирганим учун тақдирдан, Яратгандан беҳад миннатдорман!

Эркин Воҳидов умр йўлдоши тавлаётганда ҳаё ва ифбат танловини қилган экан. Шу боис, шарқона маданият ва қадриятлар қадрланган оила қўрғонини яратди. Гулчехра Воҳидова билан Нозима, Моҳира, Фозила каби оқила қизлар ва Хуршид акадек муносиб фарзандлар тарбиялади. Бугун Воҳидовлар сулоласи отамерос қадриятларда собитқадам.

Зарофат эгаси

Эркин Воҳидов яхшилик ҳақида ёзиш баробарида ҳаётда ҳам яхшилик қилишдан чарчамаган...

Бир кунни қўшни аёл уйларига гўштқий-малағич сўраб киради. Иттифоқ бунга гувоҳ бўлган устоз ҳайратланиб, қизидан сўрайди:

— Қўшни холангизнинг уйида гўштқий-малағич йўқми?

Қақажон қизи ростини айтиб қўяди: — Адажон, маҳалламизда фақат бизда ва фалончи холада бор, шунинг учун сўрашади.

Бу воқеадан кейин у бутун маҳаллага етарли гўштқий-малағич харид қилиб, олиб келиб қўяди. Фақатгина 8 март байрами бахонасида қизи орқали ҳадяни улашади.

Катта шоир учун бу кичикдек кўринар, лекин бунда устознинг зийраклиги ва зарофатини сезасиз.

Кенгфелъ, кўнгли одами

Яна устозни ўрганиш иштиққиди Гулчехра онамни сўроқлаб, шоиримизнинг кенгфелъ ва кўнгли одами экани ибботини топгандим. Бу ҳақда шоирнинг рафиқаси бундай деганди:

“1966 йили ер қимирлаганида Себзорда, раҳматли тоғамиз билан бирга яшардик. Худуд зилзила ўчоғи бўлгани учун кўплаб уйлар қатори бизники ҳам дарз кетиб, ўпирилиб тушди. Кейин мажбуриятдан алоҳида бўлиб чиқдик. Аслида, Нозимахон қизим бир ёшга етганида ўз уйимизни кўтариб, томини ёпиб қўйган экан. Кузда тоғамиз “Эркин, энди уйингга бор, бормагунингча уйинг битмайди”, деди. Икки хонали, қорасувққ уйга икки болам билан кўчириб келишимиз. Бошқа илжод ҳам қолмаганди. Боиси янги уйнинг дарвозаси йўқ, ўрнига тахта қоқиб қўйишган. Бормасак қурилишга гишт, тахта туширилади, ҳаммаганимда шу ҳол бўлгани учун кўпична эгасиз уйни талаб олиб кетиб қолишарди.

Бир кунни Эркин акам янги уйдан хабар олай деб борибди. Кўрсаки, яқинда олиб келинган гиштни кўчада бир киши аравачага ортиб уйига ташиётганимиш. Шу қадар кенг эдики, “Йўл узок, кўчанинг бошидан секин боргунимча ахир оладганини олиб олар”, деб ерга қараб ўйлаб бораётганимиш. Ўғрининг олдида етиб борибди ҳамки, аравачани бўшапти, яна тўлдирётганимиш. Бир оз ўзини босиб турибди, йўқ, иш авжида-миш. Шунда ҳам секин тепасига келиб салом берибди.

— Ассалому алайкум, ҳорманг!
— Э, саломат бўлинг, болам, эгаси шунни олиб қўйинг, деганди, шунга ташиётганим, — деб пинағини бузмай яна бемалол ишини давом эттираверибди.

Эркин акам ҳайрону дол, нима дейишни билмай, у ёққа юрибди, бу ёққа юрибди, халлиги киши ишини яна ҳам тезлаштирибди. Шунда ҳам жаҳл қилмай, сокин оҳангда:

— Амаки, мана, эгаси келди, — дебди. Амаки хижолат бўлиш ўрнига:

— Э ўғлим, сизмидингиз, айланиб кетай ўзим, — деган экан!”

Кўп ўйлайман, агар мен устознинг ўрнида бўлганимда нима қилардим?! Афсуски, бу қадар ҳалим ва кенгфелъ бўлолмас эдим. Устоздан нафақат илмда ва ижодда, балки ҳаётдан ҳам ўрганадиганимиз кўп.

“Ва бошқалар” ичида борман

Кечагидек эсимда. 2013 йили Фарғонада Худойберди Тўхтабоев, Рожий Марғилоний ва бошқа адабиёт даргалари таваллуд саналарига бағишланган адабиёт байрамига тараддул кўраётганим. Кутулаётган асосий меҳмонимиз Эркин Воҳидовнинг вақтинги хисобга олиб, тадбир санаси белгиланди. Дастур ва рўйхат шакллантирилиб, раҳбарларга юборилди. Рўйхат таҳрирланиб, қайтиб келди. Уни кўриб тарвузимиз қўлтиғимиздан тушди. Янги рўйхатда устознинг исм-шарифи ўчирилганди. Музокаралар наф бермади. Ё устоз, ё тадбир танлови қўйилди, имконсиз



Менга не қайгу!
Кимдир мени ёқтирмай қолса,
Ўчирилса исмим қатордан.
Не қайғум бор!
Номлар саналса,
“Ва бошқалар” ичида борман.

Иккинчи умр

Шундан сўнг устоз узок яшамади. Вафотидан сўнг Президентимиз томонидан шоирга юксак эҳтиром орқали иккинчи умр берилди. Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори, Эркин Воҳидов номидаги ижод мактаби, пойтахтимиздаги “Адиблар хаббони”даги муззаам ҳайкал, ананавий “Э оёқ” ижодий фестивали каби эзгу ташаббуслар шоир ижодини умрбоқийликка муҳрламоқда.

“ХАЛҚ ДАРДИ ШОИРИНИНГ ДАРДИГА АЙЛАНМАГУНЧА УНИ ЭЛ СУЙМАЙДИ, ЎЗИНИКИ БИЛМАЙДИ. ШОИР ЮРТ ГАМИ, ЭЛ ҚАЙГУСИ, ЭРК ҲАСРАТИДА ИЗТИРОБ ЧЕКМАГУНЧА УНИ ХАЛҚ КАБУЛ ҚИЛМАЙДИ. УСТОЗ МАРД ВА ЖАСУР ЭДИ. 1989 ЙИЛ ФЕВРАЛЬ ОЙИДА ТБИЛИСНИНГ ТИНЧ НАМОЙИШЧИЛАРИГА ҚАРАТА ХУҚУМАТ КУЧЛАРИ ҚУРОЛ БИЛАН ҲУЖУМГА ЎТГАНДА, “ИЗТИРОБ” ШЕЪРИНИ ЁЗАДИ ВА ПАРТБИЛЕТИНИ УЛОҚТИРАДИ.”



Дунёда муқобили йўқ мактаб

Эркин Воҳидовнинг Марғилондаги муззам ҳайкали очилишида давлатимиз раҳбари “Мақсадим — ўқувчиларни адабиётга қайтариш орқали маънавиятга қайтарсак. Қанийди, шу мактаблардан битта Эркин Воҳидов, битта Абдулла Орипов етишиб чиқса, мен ўзимни бахтли хисоблайман”, деган эди.

Бугун шарафли миссия бажарилмоқда, мактабимиз маънавият академиясига, ўқувчиларимиз эса илм ва ижод йўлидаги митти кашфчиёларга айланган. Изланишларим жараёнида билдимки, дунёда ижод мактабининг муқобили йўқ.

Мактабимизда Эркин Воҳидовдек миллатпарвар, ўз сўзини қўрқмай айта оладиган янги авлод, зиёлилар армияси камолга етмоқда. Илм ва ижод уйғунлигида, илмий-ижодий муҳитда тарбияланмоқда. Нафақат

ўзим, балки меҳмонлар имконият ва ёшларга ҳавас билан “Эҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди!” деб хитоб этади. Шунини ишонч билан айтганки, бир авлод тақомилида уйғониш, Учинчи Ренессанс яна Шарқ маркази Ўзбекистонга қайтади.

Устоз Эркин Воҳидов нафақат ижоди, балки одамийлиги билан халқ ва ҳаққа етишган ҳазрати инсон эди. Улуғ ном остидаги даргоҳда ишлаш қўтлуг шароф, уларга муносиблик улкан масъулиятдир.

Халқ виждони

Халқ дарди шоирнинг дардига айланмагунча уни эл суймайди, ўзиники билмайди. Шоир юрт гами, эл қайғуси, эрк ҳасратиди изтироб чекмагунча уни халқ қабул қилмайди.

Устоз мард ва жасур эди. 1989 йил февраль ойида Тбилисининг тинч намоийшчиларига қарата хуқумат кучлари қурол билан ҳужумга ўтганда, “Изтироб” шеърини ёзади ва партбилетини улоқтиради.

Тифлисида халқ зура танк юборган зот,
Шавъин қилар бўлса қонун эҳтиёт.
Уша зот коммунист бўлса,
Фирқа дафтариمنى отганим бўлсин.
мен, ҳайҳот,

Эркин Воҳидов эзгу сўз ва амал уйғунлиги, фикр ва иш бирлиги, халқ ва ҳақ томонида собит тура олди, халқнинг виждонига айланди. Давлат мустақиллиги, юрт эрки, миллий тил тирикчилиги, халқ фаровонлиги йўлида курашиб, элимиз юрагидан жой олган ўзбек зиёлиси, ўзбек феномени даражасига чиқди.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Бюджет — 4616.
39932 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.
“Колограк” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манлиси: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улуғмуродов
Мусахҳис: Шерзод Маҳмуродов
Дизайнер: Зафар Рўзиев
Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй
ЎЗА якуни — 23:05 Топширилди — 00:25